

# COVID-19 ДАВРИДА ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА

## ҒАМХҮРЛИК ҚИЛИШ



# Миннатдорчиликлар



Ушбу материаллар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ГМЖБ) томонидан Манчестер университети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

БМТнинг ГМЖБ ушбу материалларни тайёрлашда бевосита ҳисса қўшган барчага, шунингдек ушбу соҳада кўп йиiplик тажрибалари, билиmlари ва foялари билан ўртоқлашгандарга ўз миннатдорчилигини билдиради. БМТнинг ГМЖБ ушбу брошюрани нашр этиш ишига қўшган бебаҳо ҳиссалари учун қуидаги ҳамкасларига ўз миннатдорчилигини билдиради:

Доктор Аала Эль-Хани ва профессор Рейчел Каламга - БМТ ГМЖБнинг тажриба сифатида синовдан ўтказилган Стресс вазиятларида болаларни парвариш қилиш ҳақидаги брошюрасини тайёрлашда Манчестер Университетида ўтказилган тадқиқотлар тажрибасини мослаштириш ва мазмунли маълумотларни тақдим қилганлиги учун.

БМТнинг ГМЖБ штаб квартирасининг профилактика, даволаш ва реабилитация қилиш секцияси глобал дастурининг мувофиқлаштирувчиси доктор Вадих Маалуфга - ушбу брошюрани чоп этиш ишларига раҳбарлик қилгани учун.

БМТнинг ГМЖБ Вена шахридаги штаб-квартирасининг профилактика, даволаш ва реабилитация қилиш бўлимнинг ходимлари ва маслаҳатчилари (исмларини алифбо тартибида) Джованна Кампелло хоним, доктор Карин Хаар, доктор Зиад Ель-Хатиб, Элизабет Матфельд хоним, Нина Фабиола Монтеро Салас хоним ва Хи Ёнг Парк хонимларига.

БМТ ГМЖБнинг ушбу брошюрани тайёрлашга ҳисса қўшган ходимлари (исмлари алифбо тартибида) Лулуа Асаад хоним, жаноб Жильберто Дуарте, Анна Джудиче хоним, Александра Суза Мартинс хоним, доктор Венди О Брайен ва Ханна Сандс хонимга.

ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидаги ҳамкасларимиз ва Болаларга нисбатан зўравонликни тугатиш бўйича глобал ҳамкорликнинг бошқа ҳамкорларига.

Есра Коймен Ирмак хоним, график дизайн ва брошюрани чиқаргани учун.

Брошюра Япония ва Швеция ҳукуматлари, шунингдек, АҚШ давлат департаментининг наркотиклар ва ҳуқуқни кўллаш устидан назорат қилиш Бюросининг (INL) кўллаб-куvvatлашида БМТнинг ГМЖБ профилактика дастурлари доирасида чиқарилди. БМТнинг ГМЖБ брошюрани тарқатишида ҳамкорлик қилган миллий ва халқаро ташкилотлар, муассасаларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

# COVID-19 ДАВРИДА ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА

## ФАМХҮРЛИК ҚИЛИШ



Коронавирус касаллiği (COVID-19) тарқалиши туфайли юзага келган ижтимоий масофа сақлаш ва карантин бутун дунё бўйича миллионлаб одамларнинг оилавий ҳаётига таъсир кўрсатмоқда. Фарзандлари ҳозирда мактабга бормаётган ота-оналар учун ота-оналик вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ бўлган стресс бир вақтнинг ўзида иш вазифаларини бажариш ва болани парвариш қилиш ҳамда даромадни йўқотиш хавфи мавжудлиги туфайли кучайиши мумкин. Бутун дунё бўйлаб қочқинлар ва ресурслар этишмаслиги шароитларида яшаётган миллионлаб оилалар учун бу муаммолар янада кескинлашмоқда.



Ушбу брошюрада келтирилган маълумотлар ўзингиз ва фарзандларингиз дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни қандай қилиб енгизингиз ва оиласда яхши муносабатларни сақлаб қолишингиз учун тавсиялар бериш орқали Сизга кўмаклашади. Эҳтимол, Сиз ушбу брошюрада келтирилган баъзи фикрлар ва ёндашувлардан фойдаланаётган бўлишингиз мумкин. Фамхўр катталар болаларга қийин пайларда ғамхўрлик қилиш, кўллаб-кувватлаш ва тинчлантириш ҳамда юзага келган ноаниқликни тушунишларига ёрдам бериш орқали уларни ҳимоя қилишга ёрдам берадилар. Оиласдаги уйғунлик болангизнинг хавотирларини камайтиришга ва уни хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Яхши феъл-атворни тарғиб қилиш, болангизга қийинчиликларни енгишига ёрдам беради. Бу эса ота-оналарга болаларининг хавфсизлигини таъминлашини енгиллаштиради.



Биз бу вақтингчалик вазият эканлигини ва биз уни енгашимизни ёдда тутишимиз лозим. Биз оила аъзоларимиз билан бирга қанчалик яхши ишласак, бу бугун ва келажақда фарзандларимизнинг фаровонлигини таъминлаш ҳамда уларнинг бу вақт ҳақидаги хотираларини тартибга солишга ёрдам беради.

Ушбу маълумотлар Сизга болаларингиз ва ўзингизга ғамхўрлик қилишда фойдали бўлади деб умид қиласиз. Сиз ўзингиз нималарни ҳис қилаётган бўлишингиз мумкинлигини кўриб чиқайлик, чунки катталарнинг кайфияти болалариға ғамхўрлик қилиш хусусиятларига таъсир қилиши мумкинлигини биласиз. Шунингдек, бу Сизни ёки фарзандларингизни келажақда ўзларини ёмон ҳис қилишига олиб келиши мумкин бўлган салбий хатти-харакатлардан халос қилишга ёрдам беради. Сўнгра болаларингизга меҳрибонлик кўрсатган ҳолда чегараларни белгилаб, оғир шароитларда омон қолишга қандай ёрдам бериш ҳақида гаплашамиз.

Карантин шароитларида уйда қолиш фарзандларингиз билан бирга кўпроқ вақт ўтказиш ва улар билан муносабатларни ривожлантириш учун имконият яратиши мумкин бўлса-да, аксарият ота-оналар ҳиссиётлар ва энг муҳим бўлган нарсалар ўртасидаги қарама-қаршиликларга, шунингдек амалий қийинчилликларга дуч келишади. Ушбу брошюрани аста-секин дикқат билан ўқинг ва барча ғояларни бирдан амалга оширишга уринманг. Фарзандларингизга ва оила аъзоларингизга улар Сиз учун муҳим аҳамиятга эга эканликларини эслатиб кўйинг. Яхши оилавий муносабатларни яратиш ва сақлаш қолиш вақт ва куч талаб қиласиз. Ушбу қийин давр Сизга болангиз билан илгари ўтказмаган вақтингизни ўтказиш учун имконият бериши мумкин. Болаларга ғамхўрлик қилишда Сиз энг муҳим ишни бажараётганингизни ёдда тутишга ҳаракат қилинг.



Ушбу брошюра ўзлари карантинда бўлган, уйидан иш олиб бораётган ва бир вақтда болаларини парвариш қилаётган одамлар билан ҳамкорликда тайёрланган. Бу - биз бирга баҳам кўрадиган тажриба.

# СИЗ ҲАҚИНГИЗДА

## Сиз нимани ҳис қилишингиз мумкин

- Ўзингиз ва яқин қариндошларингизнинг соғлиғи ҳақида хавотирланишингиздан ташқари, Сиз ҳимоясиз оила аъзоларингиз, дўстларингиз ва қўшниларингизнинг саломатлигидан ташвишланишингиз ва эҳтимол бунинг учун жавобгар бўлишингиз ҳам мумкин.
- Сиз кўп вақтингизни **COVID-19** билан боғлиқ вазият ҳақида янги маълумотларни қидириб топишга сарфлаётганлигинизни пайқашингиз мумкин.
- Сиз ҳозир ёки карантин тугаганидан кейин ишингизни йўқотиш ва ишсиз қолищдан кўркишингиз мумкин.
- Агар карантин жорий қилиниши Сизнинг даромадингизга таъсир қилган бўлса, Сиз кучли изтиробни бошингиздан кечиришингиз ва эҳтимол тушкунликка тушишингиз мумкин.
- Уйдаги юмушларни бажариш, болаларга ғамхўрлик қилиш ва уй хўжалигини бошқаришда, айниқса, Сизга доимий ёрдам кўрсатувчи тармоқлар мавжуд бўлмаган шароитларда, Сиз кучли стрессни ҳис қилишингиз мумкин.
- Сиз учун диққатни жамлаб олиш ёки қарор қабул қилиш қийин бўлиши мумкин. Сиз жуда ҳам эсанкираб қолишингиз, асабийлашишингиз ёки ташвишланишингиз мумкин. Сизда уйқу йўқолиб қолиши ёки овқатланиш тартиби бузилиши мумкин.
- Сиз бундай вазиятнинг узоқ давом этаётганлиги ва узоқ келажакда ушбу вазиятни қандай енгиш мумкинлигидан хавотирлананаётган бўлишингиз мумкин.

Шуларнинг ҳаммаси Сиз парвариш қилаётган болалар билан қанчалик яхши муносабатда бўлишингизга таъсир кўрсатиши мумкин



# Ўзингизга ёрдам бериш учун нима қила оласиз?

- Шуни ёдда тутиңгки, бу қийин вақт, аммо Сиз уни енгишга қодирсиз. Келаётган даврдаги ноаниклини қабул қилинг. Илгари Сиз ҳәтингиздаги қийинчиликларни енга олғансиз. Ўзингиздаги күнкима ва манбалардан фойдаланинг. Иложи борича келажакка ишонч билан қаранг ва ижобий бўлишга ҳаракат қилинг.
- Сиз бошдан кечираётган ёки ҳис қилаётган нарсаларингизда ёлғиз эмассиз. Бу ҳолат глобалdir ва дунёдаги миллионлаб одамлар бугунги кунда ўзларини худди шундай ҳис қилмоқдалар.
- Иложи борича ўзингизга ғамхўрлик қилинг ва мумкин бўлса, дам олишига ҳаракат қилинг. Агар Сиз билан бирга катта ёшдаги одамлар бўлса, кун давомида болангизни парвариши қилиш бўйича вазифаларни тақсимлашга ҳаракат қилинг, шунда ҳар бирингиз дам олишингиз ёки ишлашингиз мумкин.
- Кундалик режа ва кун тартибига амал қилишга, масалан, ўз вақтида ухлаш ва уйқудан уйғонишга ҳаракат қилинг.
- Ўзингизни уй юмушлари, иш фаолияти ва фарзандларингиз билан машгулотлар ўтказиш билан банд қилишга ҳаракат қилинг.
- Сизга ва оиласизга қулайлик яратадиган ҳар қандай маънавий, диний ёки маданий фаолиятни кўллаб-куватланг.
- Керагидан ортиқча овқат истеъмол қилиш, хаддан ташқари тез ўйинларни ўйнаш ёки алкоголни суюистеъмол қилиш каби салбий хатти-харакатлардан сакланинг. Булар Сизнинг стресс даражангизни оширади ва келгусида аҳволингизни ёмонлаштиради.
- Ёдингизда бўлсин, ўзингизга ғамхўрлик қилиш кучлироқ бўлишгиз ва оила аъзолари ва фарзандларингизга ғамхўрлик қилишингиз учун кўмаклашади.



# ФАРЗАНДИНГИЗ ҲАҚИДА

## Фарзандингиз нималарни ҳис қилиши мумкин?

Фарзандларингизнинг ўзгаришларга муносабати ҳар хил омилларга, шу жумладан ёшига қараб, фарқ қилиши мумкин. Болалар стрессга қандай жавоб берининг баъзи кенг тарқалган усувлари:

- Баъзи болалар уйда бўлишдан, ота-оналари билан вақт ўтказиш ёки мактабдаги босимдан халос бўлганларидан жуда хурсанд бўлишлари мумкин. Бошқа болалар бошиданоқ одатдаги кундалик тартибининг бузилиши, дўстлари билан учраша олмаётганликлари ва келажақдан хавотирланганликлари туфайли қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.
- Баъзи болалар мактаб ўқув машғулотлари ёки уй ишларини бажаришни хоҳламасликлари мумкин. Ёдингизда бўлсин, фарзандингиз қаттик ҳаяжонланганида ёки одатдаги кундалик тартиб бузилганда, унинг стресс ҳолатига тушиши ёки муаммоли ҳатти-ҳаракатларини тушуниш мумкин.
- Баъзи болалар ғайриоддий фаол ёки тажовузкор, баъзилари эса жуда уятчан, одамови, босиқ ва ғамгин бўлиб қолишлари мумкин.
- Баъзи болалар қўрқоқ, маъюс ва ҳаяжонланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар боланинг уйқусидаги бузилишларни келтириб чиқариши мумкин. Баъзи болалар ота-оналарига ёпишқоқ бўлиб қолиши ва тез-тез ийғлаши мумкин.
- Ҳатто уйда қолишдан жуда хурсанд бўлган болалар ҳам, кейинги бир неча ҳафта ичida ўзларини одатдагидан кўра ёмон тутишлари ва уларда стресснинг айрим белгилари намоён бўлиши мумкин.



# Фарзандингизга ёрдам бериш учун нима қила оласиз?

Бутун дунё бўйича кўплаб ота-оналар карантинда ўтказаётган вақтларини болаларига бағишлайдилар, улар билан оила даврасида бирга вақт ўтказадилар ва келажак учун баҳти хотираларни шакллантирадилар. Баъзи оиласлар учун карантин пайтида уйда қолиш жуда қийин кечади, уй ишларини бажариш билан бирга ўз фарзандларини парвариш қилиш қийинчилклари уларни стрессга олиб келиши мумкин.

Қуидаги келтирилган маълумотлар барча оиласлар учун карантин даврини қандай килиб муваффақиятли ўтказиш хақида фойдали маслаҳатлар ва стратегияларни ўз ичига олган. Ушбу маълумотлар ҳар қандай ёшдаги болалар учун мос келади ва Сиз уларни болангизнинг ёшига қандай мослаҳтириш мумкинлигини яхширок билиб оласиз. Бундан ташқари, қуида асосан ўсмир болаларга ғамхўрлик қилишга бағишланган алоҳида бўлим мавжуд.




# ХИМОЯЛАНГАНЛИК

Махаллий ҳокимият ва мутасадди органларнинг қандай қилиб хавфсиз қолиш ва **COVID-19** тарқалишига йўл қўймаслик бўйича тавсияларига амал қилишга интилинг. Бундай тавсиялар дунёнинг турли жойларида оиласалар учун турлича бўлиши мумкин. Баъзилар учун бу тавсиялар ўз уйини тарк етмаслик, оиласи учун харид қилишдан ташқари, заиф, ногирон одамларга ёрдам бериш ёки кундалик ишларни бажариш кераклигини англатиши мумкин. Доимий яшаш жойи бўлмаган бошқа одамлар учун улар иложи борича янги одамлар билан алоқаларини камайтириб, оиласарини иложи борича бир жойда сақлашга ҳаракат қилишлари кераклигини англаради.


## САМИМИЙЛИК ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАҚДИМ ЭТИШ

- Фарзандларингизга уларга ғамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учун қўлингиздан келган ҳамма нарсани қилишингизни айтиб, ваъда беринг. Фарзандларингиз Сиз учун энг севимли ва қадрдон одамлар эканлигини ва уларни ҳимоя қилиш Сиз учун энг муҳим вазифа эканлигини айтинг.
- Фарзандингизга меҳрибон бўлинг, уни бағрингизга босинг ёки қўлини ушлаб туриб уни севишингизни айтинг. Бу фарзандингизга ишонч бағишлади ва ўзини дадил тутишига ёрдам беради ҳамда фарзандингиз билан ижобий муносабатларни сақлаб туради.
- Тез-тез болаларга ғамхўрлик қилаётганингизни айтиб туринг. Болангизга ғамхўрлик қилишингиз ва уни севишингизни айтишингиз, фарзандингизни тинчлантиради ва унга ўзини хотиржам ҳис қилишига кўмаклашади.



# МАҚТОВ

- Бироннинг ҳатти-ҳаракатларини ўзgartиришнинг энг самарали усулларидан бири бу мақтов, яъни, уларнинг ҳаракат қилаётганигини сезганингизни ва бу Сизга ёқаётганини намойиш этишdir. Намунали феъл-авторни илиқлик ва мақтов билан нишонлаш катталар ва болалар ўртасида яхши муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради. Шунингдек, бу Сизнинг болангизга қандай ҳатти-ҳаракатларни кўришни хоҳлаётганингизни тушунишига ёрдам беради. Болалар, Сиз уларнинг қайси ҳатти-ҳаракатларини таъкидлаган ва мақтаган бўлсангиз, ўша ҳатти-ҳаракатларини намойиш қилишга кўпроқ мойил бўлади. Бу ерда тавсифланган стратегиялар ҳам ёш, ҳам катта болалар учун яхши ишлайди.
- Одатда болалар ўзларига бефарқ бўлмаган одамлар мақташларини яхши кўрадилар. Агар Сиз боланинг ҳатти-ҳаракатларини мақтасангиз, катта эҳтимол билан у ўзини яна шундай тутишга ҳаракат қиласди. Болангизни Сиз рағбатлантирмоқчи бўлган ҳаракатлар учун мақтасангиз, унинг Сиз хоҳлаётган ҳатти-ҳаракатларни бажариш эҳтимоли ортади.
- Агар болангиз нимадир қилаётган бўлса, лекин уни ҳеч ким мақтамаса, у ҳолда болангизнинг худди шу ҳатти-ҳаракатларни тақрорлаш эҳтимоли камроқ бўлиши мумкин.



- Агар болангиз бирон яхши иш қилган бўлса, ҳатто у аҳамиятсиз бўлса ҳам, уни мақтаб қўйишининг иложисини топинг. Масалан, табассум қилинг, бош бармоғингизни кўрсатинг ёки мамнун эканлигингизни намойиш қилинг.

- Фарзандингиз, Сиз уни нима учун мақташингизни аниқ билишига ишонч ҳосил қилинг, шунда у Сиз ундан нимани хоҳлаётганингизни тушунади. Масалан: "**Бу нарсаларни йигишириб қўйганинг учун сенга катта раҳмат, сен менга жуда катта ёрдам бердинг**", - деган сўзлар фарзандингиз нимадан мамнун бўлишингизни аниқ билишини ва Сиз ундан шундай ёрдам беришни давом эттиришини хоҳлашингизни англатади.
- Агар мақтов сўзларида Сиз келгусида ундан нима нарсаларни қилишини хоҳлаётганингизни аниқ айтсангиз, болангиз катта эҳтимол билан Сиз хоҳлаётган нарсаларни қилади. Масалан, "**Ёзма ишни ўзинг мустақил бажараётганингдан жуда хурсандман**", ёки "**Синглинг билан жуда яхши ўйнаётганингизни кўриб жуда хурсанд бўлдим**".
- Фарзандингизга аниқ маслаҳатлар беришга ҳаракат қилинг. Аниқ маълумотлар болангизга Сиз ундан қандай ҳаракатлар кутаётганингизни тушунишига ёрдам беради. Агар маслаҳатлар беришда салбий сўзлардан эмас, балки ижобий сўзлардан фойдаланилса, у ҳолда фарзандингизнинг ушбу маслаҳатларга кулоқ солиши ва айтилган нарсани бажариш эҳтимоли кўпроқ бўлади. "**Уни бу ерга қўйма!**" - бу салбий ибора бўлиб, бундай хатти-ҳаракат Сизни аччиқлантираётгандек туюлиши мумкин. "**Илтимос, стаканни столга қўйиб қўй**" - бу ижобий иборадир ва Сиз дарҳол болангизга: "**Стаканни столга қўйганинг учун раҳмат**", деб айтишингиз мумкин.
- Фарзандларингизни тез-тез мақташга одатланиб қолиш учун вақт талаб қилиниши мумкин. Бунга кўникмаган болалар ва ота-оналар учун баъзида, айниқса бошида, бу ғалати бўлиб туюлиши мумкин. Унга одатланиб қолиш учун кундалик ҳаётдаги кичик нарсаларда машқ қилиш яхши ёрдам беради. "**Сеннинг ... менга ёқади**" ёки "**..... учун сенга раҳмат**" каби оддий иборалар болаларингиз Сиз хоҳлаган нарсани бажаришига мойиллигини сезиларли даражада ошириши мумкин.
- Фарзандингиздан мамнун эканлигизни кўрсатувчи кўплаб усууллар мавжуд. Масалан, жилмайиш, елкасига қоқиб қўйиш, қучоқлаш, ўпид қўйиш ёки эркалаб чақириладиган исмдан фойдаланиш ва ҳ.к.

- Фарзандингизни рағбатлантириш учун у бажарадиган ишлар рўйхатини тузинг ва яхши бажарилган иш учун арзандингизни юлдузча, смайлик ёки юрак шакллари билан тақдирланг.
- Ушбу стратегиялар дарҳол ишламаслиги мумкин. Болангизга мақтovларга одатланиб қолиши учун вақт беринг ва ҳаракат қилишини давом этинг.
- Фарзандингизга нисбатан сабрли бўлинг ва унинг хатти-ҳаракатлariдаги ўзгаришлар учун танқид қилмасликка ҳаракат қилинг. Масалан, Сизнинг кўллингизни ушлаб туриши ёки Сиздан тез-тез таскин топиши учун уни танқид қилманг. Бундай хатти-ҳаракатлар билан фарзандингиз зерикиш, кам машғул бўлиш ва эҳтимол ҳаётида ҳис қилаётган стресс ва ўзгаришларга жавоб беради. Фарзандингиз ўзини Сиз хоҳлаганингиздек тутаётганида сабр-тоқат ва мақтov фарзандингизга ўзини анча бехатар ва хотиржам ҳис қилишига кўмаклашади.
- Фарзандларингизни Сизга ва бошқа одамларга ёрдам беришига рағбатлантиринг. Улар Сизга ёрдам берганида, уларни мақтанг ва миннатдорчилик билдиринг. Болалар бошқаларга ёрдам беришга қодир бўлганда, улар кўпроқ эҳтимол билан қийинчиликларни осон енгиб ўтиши мумкин. Бошқаларга ёрдам бериш болаларга ўзларини керакли ва яхши ҳис қилиш имконини беради.
- Бола билан аччиқланмасдан гаплашиш ва аниқ маслаҳатлар бериш жуда муҳимдир. Бола билан мунтазам равишда хотиржам, аниқ ва ижобий гаплашиш, унга маслаҳатларга риоя қилиши лозим бўлган жиҳатларга кўпроқ эътибор беришига кўмаклашади.

# БИРГА ВАҚТ ЎТКАЗИШ ВА МУНОСАБАТДА БҮЛИШ

- Фарзандингиз учун бор йўғи бир неча дақиқа вақт ажратиб, унга диққат-эътиборингизни қаратиш орқали, Сиз фарзандингизга ўзини анча дадил ҳис қилиши ва камроқ хавотирланишига ёрдам берасиз.
- Сиз уйдан ишлаш ҳамда бир неча болани парвариш қилиш билан жуда банд бўлишингиз мумкин, лекин фарзандларингиз билан бирга ўйнаш ёки сухбатлашиш учун вақт топсангиз мақсадга мувофиқ бўлади. Фарзандларингиз билан бундай мулоқот Сиз ва фарзандларингиз ҳис қилаётган ҳиссиётларни ўзгартиради. Имкони борича ҳар бир фарзандингиз учун алоҳида вақт ажратинг.



- Баъзида, ҳеч ким болага диққат-эътиборини қаратмаётган бўлса, унга кимdir қулоқ солмагунча ўзига эътиборни жалб қилишга ҳаракат қилаверади. Масалан, у ота-оналарининг эътиборини жалб қилиш учун баланд овозда ёки бақириб гапириши мумкин. Бола тобора кўпроқ шовқин қилиш билан охир-оқибат эътиборни ўзига қаратиш мумкинлигини билиб олади. Фарзандингиз Сизга иложи борича тезроқ кўрсатмоқчи бўлган нарсаларга ёки айтмоқчи бўлган гапларига диққат-эътиборингизни қаратиб, Сиз унга ўзини дадил ҳис қилиши ва унинг гапларини тезроқ тинглашни хоҳлаётганингизни билишига кўмаклашасиз.

- Агар фарзандингиз ўзига эътибор беришингизни хоҳласа, лекин Сиз шу дамда унга эътибор бера олмасангиз, унга ҳозир банд эканлигингизни ва бўшашингиз билан унга эътибор қаратишингизни тушунтиринг. Бу фарзандингизни озгина сабртоқатли бўлишга ўргатади. Иложи борича ҳозир унга қулоқ сола олмаслигингизни ва ишлардан бўшашингиз билан унга дикқат-эътибор қаратишингизни тушунтиринг. Бу улар Сиз билан гаплашишлари учун озгина сабр қилиб туришлари кераклигини англаатади.
- Баъзида, бола айтмоқчи бўлган гапларига ҳеч ким қулоқ солмаса, бола тушкунликка тушиши ва жуда камгап бўлиб қолиши мумкин. Фарзандингизнинг кимдир уни тинглаётганини билиши катта аҳамиятга эга. Тинглашга ва тушунишга вақт топишга ҳаракат қилинг. Карантин туфайли дўстларидан узоқда бўлиши ёки мактабдаги дарслар бўлмаётган шароитларда у ўзини қандай ҳис қилаётганини сўранг. Болангиз бошидан кечираётган нарсаларнинг қайси бири унга кучли таъсир қилганлигини аниқланг. Сиз ўз фарзандингизни жуда яхши биласиз ва фарзандингиз билан уни нималар хавотирга solaётгани ҳақида гаплашиб, унга қандай ёрдам беришингизни ҳал қилишингиз мумкин. Фарзандингиз унинг гапларини эшитишни хоҳлаётганингизни билишига ишонч ҳосил қилиши жуда мухимдир.
- Фарзандларингизга қўлингиздан келмайдиган нарсаларни ваъда қилманг. Фарзандларингиз Сизнинг ўз ваъдаларингизни бажара олишингизга амин бўлишлари ва сўзларингизга ишонишлари лозим.
- Очиқ бўлинг ва болаларга нима бўлаётгани ҳақида аниқ маълумот беришга ҳаракат қилинг. Аммо маълумотларни болангизга тушунарли даражада тақдим қилишни унутманг. Маълумотлар болада кўркувни кучайтирмаслиги учун уларни батафсил тушунтиришга ҳаракат қилинг.
- Ўзингизга озгина куч тўплаб олиш мақсадида ким биландир ўз ҳиссиётларингиз ва дардларингизни айтиб ўртоқлашмоқчи бўлсангиз, у ҳолда уйда қолаётган катта ёшдаги одам билан сұхбатлашишингиз ёки яқин қариндошингиз, дўстингизга қўнғироқ қилишингиз мумкин. Бундай сұхбатлар Сизга куч бағишлайди.

- Ёдигизда бўлсин, Сизни ташвишга колаётган ҳолатлар, масалан молиявий йўқотишлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган стресс, касал оила аъзоси боис хавотирлар билан фарзандларингизнинг миясини зўриқтирманг. Бундай ҳолатлар Сиз учун катта синов бўлиши мумкин, лекин ўз хавотирларингизни болаларингизга айтмасдан, Сиз уларни ҳимоя қила оласиз.



# ЯХШИ ФЕЪЛ-АТВОРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Мақтов, эътибор қаратиш ва тинглаш маҳоратидан ташқари, ота-оналар фарзандларига ўзларини яхши тутишларига кўмаклашишлари учун анча нарсалар қила оладилар.

Биринчидан, фарзандларингиз Сиз улардан нимани кутаётганингизни билишлари муҳим аҳамиятга эга. Баъзан болалар ота-оналари улардан нимани хоҳлаётганингизни тушуна олмай, ўзларини ёмон тутадилар. Агар болалар ўзларидан нимани кутаётганингизни аниқ билишса, бу фарзандларингизга кўпроқ масъулиятли бўлишни ўрганишига ёрдам беради.

Карантин пайтида ҳамма уйда ўтирганида, болаларингиз ҳам бир қанча ишларни бажаришлари керак бўлади, масалан уй ишларига қарашиб, бошқа болалар билан мулойим муносабатда бўлиш, хушмуомалалик билан сўзлашиш, мактаб вазифаларини бажариш ва ҳ.к. Кўпинча болалар бажариши лозим бўлган вазифалар тўпламини оиласвий қоидалар деб аталади. Сиз фарзандингизга хушмуомалалик билан ишларни бажаришини илтимос қилиб, бажарганидан сўнг уни рағбатлантирган ҳонда, унга оиласвий қоидаларга риоя қилишни ўргатишингиз мумкин. Фарзандингиздан қандай хатти-ҳаракатларни кутаётганингизни ўзингиз мисолингизда намойиш қилиб бериш катта аҳамаятга эга. Болалар атрофдаги каттагарни кузатиб ўрганишади. Уларга тўғри феъл-атворни намойиш қилиш болаларга қучли таъсир кўрсатади.

Оиласвий қоидалар болаларингиз хавфсизлигини таъминлаш ва ўзларини яхши тутишга ёрдам беради. Оиласвий қоидаларнинг оддий рўйхатини тузиш, болангизга уларни эслаб қолишига ёрдам беради. Сиз нималарни кутаётганингизни фарзандингиз яхши англаб етиши учун рўйхатни "хушмуомалалик билан гапириш", "ҳар куни эрталаб мактаб топширикларини бажариш", "хушмуомала бўлиш" ёки "уйни тоза тутиш" каби ижобий сўзлар ёрдамида шакллантириш лозим.

Агар фарзандингиз Сиз киритган янги қоидаларга риоя қилишга зўр бериб ҳаракат қилса, болангизни рағбатлантириш ҳақида ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Кўп нарсаларда имтиёзлар бериш шарт эмас. Улар тўғри ишни тўғри бажаришлари лозим. Лекин амал қилиш жуда қийин бўлган қоида бўлса, унга риоя қилганлик учун озгина имтиёз бериш ушбу қоидани эслаб қолиш ва тиришқоқлик билан бажаришга ёрдам беради.

Имтиёзлар қуидагилардан иборат бўлиши мумкин: кеч тунгача ухламаслик, ёқадиган ўйинни ўйнаш учун кўшимча вақт ажратиш, бирга ўқиш ёки фарзандингиз ўрнига бир кун уй юмушларини бажариш. Биргаликда вақт ўтказиш фарзандингиз учун энг муҳим имтиёзлардан бири бўлиши мумкинлигини унутманг.

Агар Сиз болангизга номақбул нарсани қилишни тўхтатишини айтмоқчи бўлсангиз, унинг эътиборини ўзингизга жалб қилганингизга ишонч ҳосил қилинг ва шундан сўнг унга оддий қилиб нима қилиши кераклигини айтинг. Масалан, Сиз: "**Қичқиришни бас қилинг ва хотиржамлик билан паст овозда гапиринг**", - дейишингиз мумкин. Агар фарзандингиз қилаётган ишини тўхтатса, аниқ ва содда шарҳлардан фойдаланган ҳолда, унга раҳмат айтинг, масалан: "**Мен сиздан илтимос қилганимда жим бўлганингиз учун раҳмат**".



Юзага келган вазиятда ҳамма учун "**ёқимли сўзлардан**" (ва / ёки "ёқимли овоз") фойдаланиши муҳим эканлигини уйдаги катта ёшдагилар ва болаларга тушунтиринг. Агар катталар ёки болаларнинг товушлари ёки танқидлари кучая бошласа, уларга юқорида келтирилган «**ёқимли сўзларнинг**» муҳимлигини эслатиб кўйинг.

# УРУШҚОҚЛИК ВА ТАЖОВУСКОРЛИК

Инқироз ва ўзгаришлар даврида ота-оналар фарзандларининг фъел-авторида кузатадиган көнг тарқалган ўзгаришлардан бири бу урушқоқлик ва тажовузкорликнинг ошиши бўлиши мумкин.

Болаларнинг **COVID-19** муносабати билан карантин пайтида узоқ вақт уйда бўлиши ҳам юқорида айтилган фикрнинг долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Бу фарзандларингиз бошидан кечираётган ўзгаришлар ва ҳис қилиши мумкин бўлган хавотирликка нормал муносабат, лекин бундай ҳолат ота-оналарни ташвишлантириши ва безовта қилиши мумкин. Фарзандингизнинг кундалик фаолияти ва ота-онаси у билан қандай муносабатда бўлиши унинг ўзини қандай тутишига таъсир қилиши мумкин.



Оилада жанжал ва тажовускорликнинг олдини олишнинг яхши усули бу рухсат этилган ва тақиқланган нарсалар тўғрисида аниқ қоидаларга эга бўлишдир. Ушбу қоидаларни тузиш ва уларни болаларингиз билан муҳокама қилиш, уларни ушбу қоидалар билан таништиришнинг яхши усули. Фарзандингизга Сиз ундан нималар қилишини хоҳлаётганингизни айтишингиз жуда мухим. Масалан, **"Урушманг"** сўзи ўрнига **"Кўлларингиз ва оёқларингизни ўзингизда тутинг"** ёки **"Бақирманг"** сўзи ўрнига **"Секин гапиринг"** каби ижобий иборалардан фойдаланингиз мумкин. Ушбу ижобий қоидаларнинг аниқ баён қилиниши, шунингдек, қоидаларга риоя қилинганда болаларни мақташ, фарзандларингизга Сиз улардан қандай феъл-авторни кутаётганингизни тушунишларига ёрдам беради.

Фарзандларингизни банд қилиш учун тайёрланган ўкув ва ўйин тадбирлари рўйхати ҳам ёрдам беради.

Фарзандларингиз уришаётганида биринчи навбатдаги вазифа уларнинг хавфсизлигини таъминлашдир. Агар Сизнинг назоратингиздаги болалар уришаётган бўлса, улардан дарҳол уришишни тўхтатишларини қатъий талаб қилинг ва уришиш ўрнига улар нима қилишлари кераклигини аниқ айтинг.

Ота-оналар ўз фарзандлари ўртасида тажовузкорликнинг олдини олишда адолатли бўлишлари жуда мухимдир. Катта ёшдаги болалар билан кейинроқ вақт топиб, уришиш тўғрисида бамайлихотир сухбатлашиш фойдали бўлиши мумкин. Уларнинг уришиш келиб чиқиши сабабларини тушуниш, ота-оналарга фарзандларига тегишли маслаҳатларни беришда ёрдам бериши керак.

Фарзандларингизга эътиқодларингизни ва болангизнинг хотиржамлигини қанчалик қадрлаётганингизни тушунтириш, уларга ўзларини қандай тутишлари ва қандай муносабатда бўлишларини тушунишларига ёрдам беради.

# КУН ТАРТИБИГА РИОЯ ҚИЛИШ

**COVID-19** пандемияси билан боғлиқ вазият мисли күрилмаган суръатлар билан ривожланар экан, уйда одатдаги тартибиң сақлаш қиин бўлиши мумкин. Агар оиласиз катта бўлса ёки уйда қолиб масофадан ишлаётган бўлсангиз, вазият янада мураккаблашади. Ҳозирги пайтда ҳаёт қанчалик қиин бўлмасин, кундалик тартибиң сақлаш фойдали бўлиши мумкин. Кундалик тартиб бутун оила учун кунни режалаштиришга ёрдам беради. Кун давомида нималар юз бериши ва нималарни қилиш кераклигини билиш болаларингизга ўзларини янада хавфсиз ҳис қилишларига ёрдам беради.

Масалан, бутун оила билан бир вақтда уйкудан туриш, овқатланиш ва ухлашнинг одатий вақтига риоя қилишга ҳаракат қилинг. Агар Сизнинг кундалик ишларингиз ва юмушларингиз жуда ўзгарган бўлса, у ҳолда фарзандларингизни янги кун режасини тузишга жалб қилинг ва бу режада кундалик жисмоний машқлар, ўқув машғулотлари, оиласий машғулотларни акс эттирган ҳолда, янги кун тартибини ишлаб чиқинг.



- Каартиин пайтида оддий мактаблар ёпилган бўлса ҳам, фарзандларингизни мактаб вазифаларини (ўқиш, математика ва ёзув) бажаришга рағбатлантиринг. Бу уларнинг ўқишига ёрдам беради ва уларни машғул қилади.
- Мактаб топшириқларини бажариш ҳар бир оила учун ҳар хил бўлиши мумкин. Фарзандингиз таълим олаётган мактаб уйга жуда кўп вазифа бериши мумкин, бундай ҳолатларда чарчаб қолмаслик учун фарзандингиз билан қайси вазифани қачон бажариш кераклигини кўрсатувчи дарс жадвалини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фарзандларингизни кундалик юритишга унданг. Ҳатто улар кундаликка ёзувларни бир неча кунда бир марта қўшсалар ҳам, ушбу ёзувларда улар ўзларининг фикр-мулоҳазалари, шу жумладан, ўткан вақт ичидаги нималар ёққанини ёзиб боришади. Кичик ёшдаги болалар учун кундалик анча структуралаштирилган бўлиши мумкин. Масалан, "**Мен бугун .... тўғрисида билдим**", "**Бугун мен ўқидим / чиздим / ясадим ...**", "**Бугун мен биринчи марта .....ҳаракат қилдим**", "**Эртага мен ..... ни орзишиб кутаман**". Катта ёшдаги болалар ўзларининг каартиинда ўтказаётган вақтларини хроникалаштириш учун "видеоблог" яратишини хоҳлашлари мумкин. Фарзандингиз учун видеоблог очиб беришингиздан олдин, унинг номидан видеоблог очишига муносабати қандай эканлигини билинг.



# ҮЙИНЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Үйин болаларингизнинг енгил тортишига ёрдам беради. Бундан ташқари у фарзандларингизга ўтмишдаги ва ҳозирги стрессли вазиятлар ҳақида фикр юритиш ва келажакка тайёғарчилик кўришга ёрдам беради. Фарзандингизни ўзингиз билан, aka-ука ва опа-сингиллари ёки уйда бўлган бошқа одамлар билан ўйин ўйнашга жалб қилинг. Ўйинлар уларга ҳаётларида муайян нормаларга амал қилишларига кўмаклашади.

Сиз фарзандингиз билан ўйнашга вақт ажратиб, унинг ривожланишига ёрдам беришингиз мумкин. Катта ёшдаги болалар билан ўйнаш ёки сұхбатлашиш учун бир неча дақиқа вақт ажратиш, улар билан яхши муносабатлар үрнатишингизга ёрдам беради.

Фарзандингиз билан ўйнаётганингизда фарзандингизга «Ундей қил, бундай қил», - деб кўрсатма бериш ўрнига, унинг нима қилаётганини қизиқиш билан кузатиб боришга ҳаракат қилинг. Фарзандингиз Сизнинг ҳаракатларингизни инобатга олади ва ўйинни қизиқтириш учун нималар қилиш лозимлигини ўзи Сизга айтиб бериши мумкин! Сиз ўйинда фарзандларингизга қандай ёрдам беришингиз мумкинлигини уларнинг ўзи айтиб бериши мумкин. Уларга ўйинда Сизга нималар ёқишини айтинг. **Масалан, Сиз: «Менга сен чизаётган расм ёқади, уни қандай чизишни айтиб бер», - дейишингиз мумкин.**



# ҚҮРҚУВ, ХАВОТИРЛАНИШ ВА УЙҚУ БУЗИЛИШЛАРИ

Қүрқув, хавотир ва тунги уйқусизликлар **COVID-19** инқирози каби экстремал вазиятни бошдан кечираёттан болалар орасида жуда кенг тарқалған реакция ҳисобланади. Күп болалар қүрқув ва хавотирни бошдан кечирадилар.

Баъзи болалар дастлаб ўзларини жуда яхши тутадилар, аммо бир неча ҳафта давомида улар стрессни ҳис қила бошлашлари мумкин. Күпчилик болалар **COVID-19** нинг тарқалиши ва мамлакатда ўлим даражаси түғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлганларидан сўнг, стрессни ҳис қила бошлайдилар.

Биз тавсифлаб берган ижобий ёндашувлар болаларингизга ўзларини анча дадил ҳис қилишлари ва қўрқувларини камайтиришларига ёрдам беради.

Самимийлик, мақтов ва иложи борича юқори даражада таъминланган хавфсизлик ва очиқлик болалар учун жуда фойдали. Қўрқув ва хавотирланиш, бедорлик, уйкуда босинкираш, уйкуда сийдик тута олмаслик каби уйқу бузилишларига олиб келиши мумкин. Фарзандингиз бундай ҳолатларни назорат қила олмаслигини ёдда тутиңг, шунинг учун уларга мулойимлик билан ёндашиш ва болада хавотирлик, ташвиш туғдирмаслик жуда муҳимдир.

Агар фарзандингизда уйкуда сийдик тута олмаслик намоён бўлса, бунга олиб келиши мумкин бўлган турли сабабларни кўриб чиқинг. Масалан, улар сийиш учун тунда туришдан кўркишлари мумкин. Фарзандингизга ёрдам бериши мумкин бўлган кун тартибини тузинг. Фарзандингиз кун давомида етарлича суюқлик ичаётганилгига ишонч ҳосил қилинг, чунки бу сийдик пуфагининг ишига таъсир кўрсатиши мумкин. Кундузи ичимликлар ичишни чеклаш, тунда тўшакка сийиб кўйиш эҳтимолини орттириши мумкин. «Қуруқ» кечалар жадвалини юритиш ва қуруқ ўтказилган кеча учун болангизни мақташ фойдали бўлиши мумкин.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Сиз келгуси учун ваъда бера олмаслигингиз мумкин, лекин бугунги кунда уларга имкон қадар ғамхўрлик қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун иложи бўлган ҳамма нарсаларни қилишингизга фарзандларингизни ишонтиришингиз мумкин. Агар Сизда фарзандларингизнинг ҳолатидан жиддий хавотирлар пайдо бўлган бўлса, у ҳолда Сизга ёрдам бера оладиган шифокор ёки мутахассисдан маслаҳат олиш масаласини кўриб чиқинг.

# РЕЛАКСАЦИЯ УСУЛЛАРИ

Ушбу ноаниқлик даврида болалар барқарорлык ва ҳамма нарса яхши бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун ўз ота-оналаридан ибрат оладилар. Шу сабабли, фарзандларингиз карантинда уйда бўлаётган катталар дуч келадиган кундалик стресснинг салбий таъсирини бошдан кечирмасликлари жуда муҳим. Агар Сиз каратинда уйда қолаётган бўлсангиз ҳам, бу Сизнинг ёлғизлигинги излантиришади. Агар Сиз ёки Сиз парвариш қилаётган болалар уйда қандайдир қийинчиликларга дуч келсангиз, тегишли хизматларга маслаҳат ёки ёрдам сўраб мурожаат қилишингиз мумкин.

Енгил тортишингиз учун ёрдам берадиган ишларни бажариш билан вақт ўтказиш жуда муҳимдир. Фарзандларингизга тегишли тарзда ғамхўрлик қилиш учун авваламбор ўзингизга ғамхўрлик қилиш учун ҳам вақт ажратишингиз позим. Баъзилар учун бу жисмоний машқлар ёки маънавий, диний ҳамда маданий фаолиятнинг давоми бўлиши мумкин. Бошқалар учун бу хонада ёлғиз қолиш ёки китоб ўқиш билан вақт ўтказиш бўлиши мумкин.

Сизнинг қандай нафас олишингиз бутун танангизга таъсир қиласди. Сиз ҳаяжонланганингизда ва хавотирланганингизда танангиз тарангликни ҳис қилиши, нафас олишингиз эса тезлашиши мумкин. Сиз стресс ёки хавотирланиш ҳис қилганингизда тинчланишингиз учун нафас олиш техникасидан фойдаланишингиз мумкин. Секин, чукур нафас олиш тангликни енгиллаштириш, ўзини енгил ҳис қилиш ва стрессни камайтиришнинг яхши усулидир. Чукур нафас олиш учун қўйидаги машқларни бажаринг:

- Кафтларингизни тепага қаратган ҳолда, қўлларингини белдан пастга туширишни бошланг. Бурнингиздан нафас олаётганда, қўлларингизни секин-аста елкангиз сатҳигача кўтаринг. Оғзингиздан нафас чиқараётганда, қўлларингизни секин-аста туширинг.
- Бу машқни бажаришда қорнингиз билан чукур нафас олишга уриниш жуда муҳим.
- Машқни икки-уч дақиқа давомида бажаришга ҳаракат қилинг. Машқни қанчалик секинлик билан бажарсангиз ва чукур нафас олишга қанчалик кўп эътибор берсангиз, ўзингизни шунчалик енгил ҳис қиласиз.
- Фарзандларингиз ҳам нафас олиш техникасини ўрганиши ва стрессни бошдан кечираётган ёки безовталикни ҳис қилаётган

пайтларида ушбу техникадан фойдаланишлари мүмкин. Сиз нафас олиш техникасини болаларингизга ўргатишиңгиз ва улар билан бирга ушбу техникани амалда құллашга уриниб күришиңгиз мүмкин.

- Қийинчиликтарни енгиб ўтишнинг спиртли ичимликтарни ҳаддан ташқари күп истеъмол қилиш, Интернетда онлайн қимор ўйинларини ўйнаш, гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш каби салбий усулларидан сақланинг. Улар Сиздаги стресс даражасини орттиради ва келгусида ахволингизни ёмонлаштиради. Бундан ташқари, Сизнинг бундай салбий ҳатти-харакатларингиз фарзандларингизга ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Фарзандларингизга қанчалик яқин бўлишиңгиз, уларга Сизнинг одатдагидан кўпроқ ғамхўрлик қилаётганингизни кўрсатиши мүмкин. Бу эса уларга карантин даврида юзага келган қийинчиликтарни енгиб ўтишларига ижобий таъсир қиласди. Болаларингиздан кутаётган ҳатти-харакатларга тақлид қилишни ўз ичига олувчи ўйинларни ўйнашни ёддан чиқарманг.



# ҮСМИРЛАРГА ҒАМХҮРЛИК ҚИЛИШ

Ушбу брошюрада келтирилган барча маслаҳатлар үспирин болаларни парвариш қилишда ҳам құлланилиши мумкин. Шу билан бирга, кўпинча үсмирлик даври болаларда турли ҳис-түйгулар ва жисмоний қийинчиликлар билан характерланишини ҳисобга олиш ва уларга зийраклик билан муносабатда бўлиш лозим. Бундай ёндашиш үсмирларни парвариш қилиш жараёнини енгиллаштиради ва уларни Сиз учун ҳам, ўзлари учун ҳам соғлом қиласди.

- Катта ёшдаги болалар ёки үсмирлар баъзида ўзлари алоҳида қолиб вақт ўтказиши хоҳлашлари табиий ҳолат. Уларнинг бундай хоҳишлари Сиз учун ҳам, ўзлари учун ҳам қийинчилик туғдириши мумкин. Агар уй атрофидаги ҳудудлар хавфсиз бўлса ва үсмирларга кундалик сайд қилиш учун чиқишига рухсат берилгандай бўлса, уларнинг якка ўзлари сайд қилишларига тўскенилик қилманг. Акс ҳолда, фарзандларингиз билан улар қандай қолиб оиласвий ишлар ва вазифаларни бажаришдан ҳалос бўлиб, ўзлари алоҳида дам олишлари мумкинлиги ҳақида сұхбатлашинг. Бунда уларни қониқтирадиган келишувга келишишга ҳаракат қилинг.
- Шуни ёдда тутиш лозимки, үсмир фарзандларингиз ўз телефонлари ва ижтимоий тармоқлар орқали **COVID-19** билан боғлиқ ҳозирги вазият ҳақида янгиликлардан хабардор бўлишлари мумкин. Улар ўзларининг саломатлиги ва келажаклари ҳақида ташвишланишлари мумкин. Баъзилар учун карантин бошида мактабнинг ёпилиши жуда қизик нарса бўлган бўлиши мумкин, аммо фарзандларингиз вақти келиб мактаблар очилганида, ўқишинни уddyлай олармикан деган ташвишга тушишлари мумкин.
- Катта ёшдаги болалар ўз дўстларини соғинишлари ва кўчаларда эркин юрган пайтларини қўмсашлари мумкин. Уларга дўстларига кўнгироқ қилиб, улар билан алоқада бўлиб туришларига рухсат беринг. Ётишдан олдин телефонларини ўчириб қўйиш билан Сиз уларнинг яхши ухлашига ёрдам берасиз.



- Ота-оналар ва катта ёшдаги болалар ўртасидаги можароларга йўл кўймаслик учун, катта ёшдаги фарзандларингизни назоратга олишга ва уларнинг ўқишиларига ёки кундалик фаолиятларига жавобгар бўлишга ҳаракат қилинг, улар бу қийинчиликларни қандай қилиб енгиб ўтаётганликлари учун мақташ усулларини изланг.
- Ўсмирларнинг ўқиши ва ривожланиши учун қулай муҳит яратиш керак. Улар карантин пайтида уйда қолаётганларида, уларга уй ва ҳовли ишлари бўйича масъулиятни ўз зиммаларига олишни ўргатишга ҳаракат қилинг. Уларга овқат тайёрлаш, газ ва электр асбобларидан фойдаланиш, ҳовли ва боғдаги дараҳтларни парвариш қилишини ўргатинг.
- Фарзандларингиздан реал нарсаларни кутинг. Бундай даврда ҳаммамиизда ҳам яхши ва ёмон кунлар бўлади. Ўсмириңгиз Сиз белгилаган чегараларни кенгайтиришга ҳаракат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда фарзандингизнинг хатти-ҳаракатлари Сизда стресс ҳолатини келтириб чиқарган бўлса ҳам, унга хотиржамлик ва эҳтиёткорлик билан муносабат билдиришга ҳаракат қилинг. Агар Сизнинг жаҳлингиз чиқкан ёки хафа бўлган бўлсангиз, фарзандингиз билан гаплашишини ҳовуриңгиздан тушганингиздан кейин амалга ошириш ўзаро ҳурмат ва соғлом муносабатларни сақлаб қолишга кўмаклашади.
- Иложи бўлса, фарзандингиз билан тез-тез қисқача сухбатлашиб туринг, бу улар билан узоқ вақт давомида сухбатлашиш каби фойдали бўлиши мумкин. Кун тартибингизга фарзандингиз билан бироз бирга ўтириш ва ҳол-аҳвол сўраш учун вақт киритиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Фарзандларингизнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча маълумотларни қўйидаги ҳавола бўйича топишиңгиз мумкин:

[www.end-violence.org/sites/default/files/paragraphs/download/English\\_COVID-19%20Keeping%20children%20safe%20online\\_FINAL.pdf](http://www.end-violence.org/sites/default/files/paragraphs/download/English_COVID-19%20Keeping%20children%20safe%20online_FINAL.pdf)

# ОИЛА ВА ДҮСТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТДА БҮЛИШ

- **COVID-19** туфайли киритилген карантин даврида дүстлари ва яқынларидан узоқда бўлиш, ёшидан қатъий назар, оиласнинг ҳар бир аъзоси учун қийин бўлиши мумкин. Кўпинча, бу Сизга ушбу қийинчиликларга дуч келган ягона одам эмаслигингизни англашга ёрдам беради - дунё бўйлаб миллионлаб одамлар ҳам буни бошидан кечиришмоқда. Карантин даврида ёлғизлик ҳиссини енгиллаштириш усусларидан бири, бу дўстлари ва яқынлари билан Интернет, ижтимоий тармоқлар ва телефонлар орқали алоқа қилишдир.
- Фарзандларингиз дўстлари ва яқынлари билан мулоқот қилишлари учун зарур бўлган вақтни кун тартибига киритишга ҳаракат қилишингиз мумкин. Бу, шунингдек, ёлғизликни ҳис қилиши мумкин бўлган кексайтан боболар ва бувиларни кўллаб-кувватлашнинг ажойиб усулидир.
- Интернет ажойиб алоқа воситаси бўлса хам, фарзандларингизни Интернет тармоғида хавфсиз ишлашини таъминлаш лозим. Фарзандларингиз Интернетдан узоқ вақт давомида фойдаланишлари мумкин бўлган бугунги даврда бу жуда муҳим. Фарзандларингизнинг Интернетдан хавфсиз фойдаланишини таъминлашнинг бир неча усуслари мавжуд. Масалан, Интернет тармоғига кириш имконияти бўлган компьютерни болангизнинг ётоқхонасига эмас, умумий фойдаланиладиган хонага жойлаштириш лозим. Қуидаги ҳавола бўйича Интернет тармоғида хавфсизликни таэммилаш масалалари бўйича қўшимча маслаҳатлар олишингиз мумкин:

[www.unodc.org/listenfirst](http://www.unodc.org/listenfirst)



# БОЛАЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШДА УЙДАН ИШЛАШ

Карантин даврида күпчилек ота-оналар дуч көладиган асосий қиынчилликтерден бири болаларни парвариш қилиш билан бирга уйда қолиб масофадан ишлаш. Мактаблар ёпилиб, дарсларнинг онлайн режимда ўтказилиши вазиятни янада оғирлаштириши мумкин. Бунга кўшимча равишда, Сиз касал ёки заиф оила аъзоларингизни парвариш қилаётган бўлишингиз мумкин.

- Ишингиз ва шахсий ҳаётингиз ўртасидаги мувозанатни сақлаш жуда муҳим. Шундай мувозанатга эришилганидагина, Сиз ишингиз ва болаларингиз этҳтиёжларини қондира оласиз. Болаларни парвариш қилишда Сиз билан бирга уйда бўлган бошқа катталарнинг ёрдами ва қўллаб-кувватлашларисиз Сиз кўнишиб қолган иш шароитлари ва одатда эришилладиган меҳнат самарадорлиги ва натижаларни амалда таъминлаб бўлмаслиги ёдингизда турсин.



- Ўз кунингиз ва кун тартибингизни ташкил қилишдан бошланг. Фарзандларингиз ва уларнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун иш графигингиз доирасида вақт режалаштиринг.
- Фарзандларингиз Сиз учун, ҳатто улар ҳали кичик ёшда бўлсалар ҳам, ҳамма нарсадан устун туришларини, лекин зимманингизда уларга қарашдан ташқари яна анча ишлар борлигини ва уларни ҳам масъулият билан бажаришингиз кераклигини ва ишхонанингиздаги анча одамлар Сизга ишонишларини тушуниринг. Вазиятни тўғри тушуниб, ишхонанинг ишларини бажаришга имкон берганлари учун фарзандларингизга миннатдорчилик билдиринг.
- Ҳамкасларингизга уйдан ишлаётганингизни маълум қилинг ва ушбу режимдан иложи борича яхшироқ фойдаланишни ўрганинг. Болаларга хуш ёқадиган тадбирларни ташкил қилинг. Ҳамкасларингизга иш режимиningиз ва уйда болаларни парвариш қилаётганингиз тўғрисида хабар беринг. Сиз билан бирга ишлаётган одамлар ҳам худди шундай вазиятда эканлиги ёдингизда бўлсин. Имконият бўлса, расмий учрашувлар сонини камайтиришга ҳаракат қилинг.
- Ишда тез-тез танаффуслар қилиб туринг ва бу вақтдан болаларингиз билан бирон бир нарса қилиш учун фойдаланинг. Бу оиласиздаги ҳар қандай стресс ёки айбдорлик ҳиссини енгиллаштирган ҳолда, унумдорлигингизнинг ортишига кўмаклашади.
- Фарзандларингиз билан бирга оиласий овқат пиширинг ва улар бирга тушлик қилинг. Болалар қундалик ҳайётдан ва ўзларининг бирор нарса билан машғул бўлганларидан мамнун бўлишади.



**Биз билан боғланинг**

БМТининг гиёхванд моддалар ва жиноятчилик  
бўйича бошқармаси, Профилактика, даволаш ва  
реабилитация секцияси  
П/Я 500, А-1400, Вена, Австрия

**Электрон почта**

[unodc-ptrs@un.org](mailto:unodc-ptrs@un.org)

**Вебсайт**

[www.unodc.org/unodc/en/drug-prevention-and-treatment/index.html](http://www.unodc.org/unodc/en/drug-prevention-and-treatment/index.html)

Болалар тарбиясига оид  
батафсилроқ маслаҳат-  
лар, шу жумладан  
бизнинг ҳамкорларимиз  
ЖКССТ, ЮНИСЕФ,  
Касалликларни олдини  
олиш ва назорат қилиш  
марказлари (CDC), ҳамда  
болаларга нисбатан  
зўравонликини тұхтатиш  
ҳамкорлиги доирасида :  
[www.unodc.org/listenfirst/en/covid\\_parents.html](http://www.unodc.org/listenfirst/en/covid_parents.html)

